

# O'ZBEKISTON



## O'VOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

2003-YIL 31-MAY SHANBA 67 (27.087) uzbevozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

### МДХнинг норасмий саммити



**САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. 30 май**  
(ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Нева дарёсида турган «Силвер Виспер» кемасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашди. Музокарада Ҳамдўстликни ривожлантириш масаласи муҳокама этилди. МДХ ҳудудидида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, айниқса, эркин савдо зонасини барпо этиш масаласига эътибор қаратилди. Айни чоғда энергетика ва транспорт инфратузилмала-

ри соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда умумий аграр бозорга асос солиш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Президентлар халқаро муаммолар, жумладан, Ироқдаги вазиятга доир масалаларни ҳам муҳокама қилди. БМТнинг Ироққа нисбатан жорий этилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги резолюцияси маъқулланди.

Музокаралардан кейин МДХга раислик қилаётган Украина Президенти Леонид Кучма журналистлар билан учрашиб, ушбу норасмий саммит Санкт-Петербург юбилейи муносабати билан

ўтказилганига қарамай, амалий руҳда, қизгин ва самарали бўлганини таъкидлади.

Шу йилнинг сентябрида бўлажак Ялта саммити эркин савдо зонасини барпо қилишнинг биринчи босқичига яқин ясашига Президентлар ишонч билдирган. У вақтга қадар Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар тегишли қонун ҳужжатларини мослаштириш ва мувофиқлаштириш чораларини кўради. Зотан, шу йил февраль ойида бўлган Киев саммитида МДХ мамлакатлари шундай вазифани ўз зиммасига олиб, 2003 йилни эркин савдо зонасини яратиш масалаларига бағиш-лашга қарор қилган эди. Бу борада

Президентларнинг фикри бир жойдан чиққанлиги айтилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов кемадаги тадбирлардан кейин Санкт-Петербург юбилейи муносабати билан саммит қатнашчилари томонидан Пётр Биринчи ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида қатнашди. Президентимиз Нева соҳилидаги шаҳарнинг 300 йиллигига бағишланган бошқа тадбирларда ҳам иштирок этди.

(ЎзА)

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат

«Маънавият ва маърифат» марказининг Қашқадарё вилоят бўлими иқтисодиёт бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган навбатдаги ўқув тадбири Президент Ислам Каримовнинг Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилишида сўзлаган «Бизнинг мақсад ва интилишларимиз муштарак» номли маърузасини ўрганишга бағишланди.

Унда ташкилот, қорхона, муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари масъул ходимлари, иқтисодчи олимлар, жамоат

### Президент нутқи тарғиботи

ташкilotлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгашининг масъул котиби Маматқул Ражабов, иқтисодиёт бошқармаси бошлигининг ўринбосари Холмурод Солиев, Қарши давлат университети профессори Норбой Узоқов ва бошқа иштирокчиларнинг Президентимиз маърузаларидан келиб чиқадиган асосий вазифаларга оид чиқишлари тингланди. Кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Шунингдек, шахар ва туманларда ҳам шу йўналишда иқтисодий ўқувлар ташкил этиш учун етакчи олим ва мутахассисларга йўлланма берилди.

(Ўз мухбиримиз)

### Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Факултода ва Мухтор элчиси И.Мустафоев ГФР Президенти Йоханнес Рауга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА

### Жамғармада кенгаш

Маълумки, 2004 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 610, 2006 йилда эса Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши кутилмоқда. Шу муносабат билан халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни жамғарма илмий кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди.

Мустақиллигимиз шарофати билан сўнгги йилларда Амир Темур даврига оид кўплаб китоблар нашр этилди, илмий тадқиқотлар, халқаро анжуманлар ўтказилди. Соҳибқирин Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи ЮНЕСКО ташаббуси билан дунё миқёсида нишонланди. Шундай бўлса-да, теъмурийлар даври тарихини ўқиб-ўрганиш, китоблар нашр этиш ҳамон долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётир. Жумладан, аждодларимизнинг улғур мероси сифатида бизгача етиб келган нодир қўлёзма асарлар бугунги кунда Амир Темур ва теъмурийлар даврини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу китоблар ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларда нашр этилса тарихимизни жаҳон бўйлаб тарғиб қилишга кенг йўл очилади.

Шунингдек, жаҳоннинг бир қатор нуфузли кутубхоналарида сақланаётган ўша даврга оид қўлёзмаларни олиб келиш ва илмий муомалага киритиш ҳам долзарб вазифалардандир.

Йиғилишда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий гурур, ифтихор ҳиссини жойлаш борасида аждодларимиз, хусусан, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, тажрибалари катта имкониятлар яратиб бериши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, республика ёш теъмурийлар жамиятини тузиш, жойларда унинг кўйи бўғинлари сифатида тўғарак ва Амир Темур клубларини очиб қабил масалалар ҳам кун тартибига қўйилди.

(Ўз мухбиримиз)

## Ҳар бир яхши-ёмонликнинг жавоби бўлади



СУВНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, УНГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Сувга муносабат ҳақида ҳаргал гап кетса, болалигимдаги воқеалар, бувимнинг насихатлари ёдимга тушаверади. Ушбу мақолани ёзаётганимда ҳам шундай бўлди. Бувимга ичидан сув келтириб берсам, у киши доим: «Сувдек сероб бўл», дея дуо қиларди.

Чўмилишга кетаётсам: «Одамлар сув ичадиган ариқда чўмилимагин, болам», дея қайта-қайта тайинлардилар. Сувга туپуриш гуноҳ эканлигини ҳам бувим қўлигимга қўйганлар. Далага ўт ўришга борсам, қўйнимизга нон тикиб борардик, зилот сувли ариқларда «нон оқизок» ўйнар эдик, ширин сувда нон бўкиб, янада мазали бўлар, биз болалар тарта-тарта қилиб, бўлақлаб ердик. Ёз ойларида сув танқис бўлар, боғимизни сугориш учун ўн беш-йигирма кунда сув навбати келар эди. Уша кунни уйма-уй, ҳовлима-ҳовли ўтиб, ариқ кулоқларини тўғрилаб чиқар эдик. Бирон ҳовлида, ариқ бўйида чиқинди турганини ё сугир, ё кўй боғлаб қўйилганини кўрмас эдик. Энди ўйласам, «сув — муқаддас» деган

тушунча ҳаётий мисоллар билан, ўта зуққолик билан болалигимизда руҳимизга сингдирилган экан. Ҳозирги болаларга ҳамма ота-оналар, бувилар сув муқаддас, илоҳий неъматлигини тушунираётганмикин? Еки сувга ўта бефарқлик, уни қадрламаклик оиладаги тарбиянинг етишмаётганидимикин?..

Дарвоқе, сув табиатнинг илоҳий неъматини, мўъжизасини, инсоннинг нафақат нафсини, чанқоғини қондиришга, балки уни поклаш учун, иймонини, эътиқодини мустаҳкам сақлаши учун ҳам зарур табиий воситалардан биридир. Сув беҳад катта қудратга эга. У энг митти гиёҳдан тортиб, жамми жонзотга ҳаёт бахш этади. Бизга қувонч, яхши кайфият бағишлайдиган турфа гуллардан тортиб, сув-роғлар, полиз экинлари сув билан тирик.

Сувга чиқинди ташлаётганлар ҳақида ўйласанг, кўп фикр-мулоҳазалар ҳаёлга келади. Аввало сувни тежаб-тергашининг ўзи нима эканлиги хусусида тўхталасан. «Тарих — доно муаллим» деган луқмай ҳалол-

дек ширин мақоллимиз бор. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз сувдан усталик билан фойдаланиш илминини чуқур ўзлаштирган эдилар. Қўҳна Хоразмда ва Фарғона водийсида ўша замонлардаёқ сувнинг сугориш иншоотлари барпо этилган. Сувнинг сугориш иншоотлари — ариқлар, каналлар, сув омборлари барпо этиш жуда катта илм ва катта санъатдир.

III асрдаёқ Хоразмда Қиёт каналининг барпо этилиши, сувдан ниҳоятда устакорлик билан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги, ўша замонларда Жайхун (Амударё) дарёсининг кўйи оқимларида обикор ерларнинг умумий майдони 1,3 млн. гектарни ташкил этгани, одамлар деҳқончилик қилиб, турли-туман боғу роғлар яратиб, юртин обод этганини, бу хозирги Хоразм вилоятида сугорилиб, деҳқончилик қилинадиган ер майдонларидан 4 баробар кўпини ташкил қилгани ҳам тарихдан яхши биламиз.

3-бет

### Банкир шогирд тайёрлайди

### ТАЖРИБА

Қирқ йилдан буён банк соҳида ишлаган Расул Шароповни гарчи пенсия ёшида бўлса ҳам «Пахта банк»нинг Оқинбойев тумани бўлимига бошқарувчи этиб тайинланди. Туманнинг асосий кишлоқлари марказдан узоқда жойлашган. Шу боисми, ёш мутахассисларнинг ақсарияти шаҳарларга кетиб қолган. «Пахта банк» туман бўлимида битта ҳам олий маълумотли мутахассис

йўқ, ўрта маълумотлилар орасида ҳам маҳаллий кадрлар жуда кам. Ҳолбуки, банк ходими пиш-қиқ-пўхта бўлиши билан бирга ўзи хизмат кўрсатаётган минтақа, миқозларни беш қўлда билмоғи даркор. Банк келажagini ўйлаган раҳбар туман халқ таълими билан келишган ҳолда банкирлик касбини эгаллашни хоҳловчи ўқувчилар учун қўриқ-танлов эълон

қилди. Танловда тумандаги барча мактабларнинг 9-синф ўқувчилари қатнашди. Математика, адабиёт, чет тили фанларидан ўтказилган тест синовлари натижасида тумандаги 48-мактаб ўқувчиси Рустам Яхёев, касб-хўнар коллежи талабаси Асадулла Қосимов, 20-мактаб ўқувчиси Фазлиддин Юсуповлар қолиб чиқди. Улар ҳозирда ҳар кунни дарсдан сўнг «Пахта банк» ту-

ман бўлимига келишиб, банк ходимларидан шу соҳа сир-синоатларини ўрганишади. Ҳар бир ўқувчи учун банкда махсус ҳисоб рақами очилган ва ҳисоб рақамларига ҳар ойда миң сўмдан пул қўйилади. Маблағ банкир Р.Шароповнинг ўз оилик маошидан четгирди қолиниб, болалар ҳисобига ўтказилади.

— Бу йил яна шундай танлов ўтказамиз. Қолиблар яна банкка, касб ўрганишга келишади ва улар ҳам хозиргидай гамўрликлардан баҳраманд бўлишади, — дейди Расул ака. — Келажакда вилоятимизнинг шу чекка туманидан мустақил Ватанимизга чинакам хизмат қиладиган етук банкир-мутахассислар кўплаб етишиб чиқишига ишончим комил.

Алишер ИБОДИНОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири



### 5 июнь куни бу ерда «Баркамол авлод» республика спорт мусобақалари бошланади

Бугун бутун Андижон байрам шукҳида. Барчанинг кўнглида меҳмонларни хурсандчилик билан кутиб олиш нияти муҳасам. Бобуру Чўпонлар, жаҳонга машҳур спортчилар, миришкор деҳқонлар, дунёга танилаётган автомобилсозлар юрти янада чирой очиб, «Баркамол

авлод» республика спорт мусобақалари қатнашчиларини чоралапти. Санокли кўнлардан сўнг Андижоннинг бағри ёш спортчилар, мураббийлар, муътабар меҳмонлар билан тўлади.

Андижон шаҳрида Олимпия захиралари спорт коллежи қад ростлади. Унинг ёнида йигир-

ма миңг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион барпо этилди. Миллий ва замонавий меъморий услубда қурилган ҳар икки иншоот шинам ва кулайлиги, салобати билан кўпчилигининг эътиборига тушди. Яқинда Андижонга ташриф буорган мамлакатимиз Президенти бу иншоотларни кўриб илиқ фикрлар билдирди. Меъмору қурувчиларнинг малакаю дидларига тасаннолар айтди.

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**БИЗНЕС БАНК** ЭНГ ЯХШИ АНЪНАЛАРДА

ҚАШҚАДАРЁ УЧРАШУВЛАРИ  
**Минг биринчи чинор**  
ЁКИ «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МУЛОҚОТЛАРДАН ОЛИНГАН ТААССУРОТЛАР

**ШАҲРИСАБЗ ҚАЛБИ**  
— унинг фозил ва меҳнаткаш одамлари  
«Ўзбекистон овози» газетаси кунлари Деҳқонobodнинг Кўнғирот қишлоғидаги 71-мактабни оталиққа олишдан бошланиб, Қашқадарё учрашувлари Шаҳрисабз ва Китобда давом этди. Очиқ мулоқотлар, юрак



2-бет



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Газета бош муҳаррири Сафар Остонов «Санъат саройи»ни тўғри...

Совет тузумининг сўнгги йилларида отам Болта Фозилов...

Сизликни очиб ташлади. Отамнинг пок номи оқланди. Ҳозир ўзи ишлаган хўжалик унинг номи билан аталмоқда.

А.ЭРДОНАЕВ, Шахрисабз туман ҳокими, Олий Мажлис депутаты: — Мана, савол-жавоблар, сўзга чиққанлардан ҳам кўриниб турибдики, «Ўзбекистон овози»нинг туманида мухлислари анча кўп.

ҚАШҚАДАРЁ УЧРАШУВЛАРИ

Туманимизда ўзгаришлар, янгиликлар кўп. Қатор уй-жой, маънавий хизмат корхоналари, ўқув масканлари, қўшма корхоналар ташкил топди.

— Шахрисабздаги учрашув яхши ўтдими? Аслида Китоб ва Шахрисабз бир оламнинг икки палласи, — деди ҳоким. — Туманимиз ҳудудидан топиладиган Узуқуяр ёдгорликлари Кешининг қадим тарихини очиб берди.

Минг биринчи чинор

ЎКИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МУЛОҚОТЛАРДАН ОЛИНГАН ТААССУРОТЛАР

Унинг таклифини бажонидил қарши олди. Машиналаримиз кўм-кўк воҳани Самарқанд билан боғловчи машҳур Тактақорача дово...

ИККИ ДАРЁ ЮВАР КОКИЛИН...

Бог-роғлар, юксак тоғлар бағридаги маскани шундай таърифлашди Китоб тумани ҳокими Луқмон Фафоровнинг асл касби агроном.

фалакиёт илмидан жаҳонга ҳадди ҳисоб бериб турибди. Биз етиб қолган Башир кишлоғи ҳам чўққиларга ёндош тоғ ёнбағирларида қарор топган.

Биз борган Навоий номили ширкат ҳўжалигида ҳам улкан узузмзорлар барпо этилган. Ариқдан сув оқиб турган боғ ёнидаги шинам шийпонда Севаз кишлоғида кексалар, боғбонлар, муаллим ва ўқувчилар билан эсда қоладиган учрашув бўлиб ўтди.

Биз борган Навоий номили ширкат ҳўжалигида ҳам улкан узузмзорлар барпо этилган. Ариқдан сув оқиб турган боғ ёнидаги шинам шийпонда Севаз кишлоғида кексалар, боғбонлар, муаллим ва ўқувчилар билан эсда қоладиган учрашув бўлиб ўтди.

Биз борган Навоий номили ширкат ҳўжалигида ҳам улкан узузмзорлар барпо этилган. Ариқдан сув оқиб турган боғ ёнидаги шинам шийпонда Севаз кишлоғида кексалар, боғбонлар, муаллим ва ўқувчилар билан эсда қоладиган учрашув бўлиб ўтди.



лоқда яшаймиз, деҳқончилик касбимиз. Бу йил ёнбағирчилик кўп бўлди. Баҳор салқин келди. Шундай пайтда мутахассислар маслаҳати жуда зарур-да.

Утган йилги совуқ тумандаги боғларга қаттиқ зарар етказибди. Ҳоким қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш ҳақидаги режаларини йўл-йўлақай гапириб берди.

Юнус УЗОҚОВ, Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар



ХДП ХАБАРЛАРИ Қизиқарли учрашув

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилояти кенгаши ўқув муассасалари, ташкилот ва маҳаллаларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилишига бошқош бўлиб келмоқда.

ЎзХДП Чироқчи туман кенгашининг пленуми

Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгашининг V пленуми қарорларининг бажарилиши юзасидан туман партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида Президент Ислоҳ Қарорининг маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва ҳуқуқларни бажарилишида партия ташкилотларининг вазифалари юзасидан ЎзХДП Чироқчи туман кенгашининг биринчи котиби Шоназар Жовлиев маъруза қилди.

ОЧИҚ ГАПЛАР

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. — Хатлар бўлимими? — Ҳа, эшитаман, хизмат... — Икки оғиз гапим бор, иложи бўлса...

Юш ҳам чала қолди. Кўп ўтмай, 30 январь санаси билан туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлиғи шундай бўлиб қолди. Мени ишдан бўшатиб тўғри қилишди. Ташқарига чиқсам, орган ҳодими қарши олди. «Туман ички ишлар бўлими ҳодими — милиция майори Равшан Орипов», деди у. Ховос туман ҳокими Рустам Турдиев талаби билан мени олиб кетишга келганини айтиди. Машинани нима бўлади десам, қолаверсин, менинг машинамга ўтирасиз, деди. Кетиб бораёلمану, хаёл қочди. Ҳа, энди сабабини билмаган, гуноҳу савобингни ҳомчўт қиларкансан, киши. Туман марказига етиб келгач, майор мени ҳокимга руборў қилиб, «ишни ўрин-

латдим» ишорасини қилди-ю қайтди. Қарасам, ҳокимнинг кайфияти тушган, ковоқлари уюлган, саломга алик ҳам йўқ. Урнидан қўзғалмай, даб-дурустдан: — Аризангни ёз, ишдан кетдинг! — деди зарда билан. — Тинчликми? — дедим саросимага тушиб. — Сабаби борми? — Мен сенларга хисобот беришим шарт эмас, — деди. Хайрон бўлдим, томоғимга бир нима тикилгандай. Узимни қўлга олиб, «бу англашлмоччилик бўлса керак, ҳозир жаҳл устида гапир-

ирланиб, соғлиғига зарар етиб, шармандаликдан уйдан чиқолмаслик ҳолатлари рўй берган, табиблар кўмағида оёққа турган. Бундай моддий-маънавий зарарни қўллаб бўлар, ammo соғлиқ, асаблар тарафлиги асоратсиз ўтади, деб бўладими?..» — Суриштириб кўрмадингизми, сизга нега бундай муносабатда бўлганини? — Айбга буюрмайсиз, балки бу гапнинг ўрнимасдир. Мен буни кейинроқ, ғишт қолипдан кўчган пайтда суриштириб билдим. Маълум бўлишича, мен сафардалигимда ҳоким бош ҳосилотимиз Даврон



ошкор эътироф этилган. Шунингдек, милиция майори Равшан Орипов хизмат вазифасини ўтаётган пайтда, туман ҳокими топириғи бўйича сафарда бўлган «Чамбил» ширкат ҳўжалиги раиси Х.Каримқуловни вилоят марказига ўз маънасида олиб келгани ҳақида қўзғалма берган. Ховос туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Қаюмов ҳам ҳокимнинг сўзи билан давъогарини ишдан бўшатиб ҳақидаги аризасига асосланиб, буйруқ чиқаргани, туман прокурори протестига мувофиқ ўз буйруғини бекор қилгани ҳақида рўй-рост сўзлаган. Энди суднинг қарор қисмини айнан келтирамиз:

«Прокурор ҳам, суд ҳам қонун томонда турди...»

Энди бу ёғини эшитинг. Адолат қарор толиб, юзим ёруғ бўлгач, ҳоким қабулида бўлдим. Лекин яна ўша-ўша, нописандлик билан муомала: «Ўтдим деясанми?», — деди захархандлик билан. — Менинча, ишга тикланганин йўқ. Бизда, Ховосда ўз қонун-қоидаларимиз бор», деди. Индамай қўлимдаги газетани ёзиб, олдиға қўйдим.

«Даввогар Каримқулов Ҳамроқуловнинг давъоси қисман қаноатлантирилсин. Даввогар Каримқулов Ҳамроқулов Ховос тумани «Чамбил» ширкат ҳўжалиғи раиси Лавозимига қайтадан ишга тиклансин. Даввогар Каримқулов Ҳамроқуловнинг давъоси қисман қаноатлантирилсин. Даввогар Каримқулов Ҳамроқуловнинг давъоси қисман қаноатлантирилсин. Даввогар Каримқулов Ҳамроқуловнинг давъоси қисман қаноатлантирилсин.

# Ҳар бир яхши-ёмонликнинг жавоби бўлади



СУВНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, УНГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аждодларимиз томонидан яратилган суғориш иншоотлари инсон ақлини шошириб қўйдиган даражада мукамал бўлиб, сиртдан жамат кўринса-да, аслида аниқ математик ҳисоб-китобларга асосланган эди. Суғориш ишларида чиғирлардан фойдаланиш ирригация тараққиётида жуда муҳим босқич бўлди. Улардан то XX асрнинг бошларигача фойдаланиб келинди.

Миср деҳқончилиги тараққиётида Аҳмад ал-Фарғонийнинг қўшган ҳиссаси ҳамон юқори баҳоланиб келинади. Олим томонидан Нил дарёси қирғоғида бунёд этилган сув ўлچаги мамлакат аҳолисининг даромадларидан солиқ олишда жуда кўл келган эди. Чунки мам-

лакатда деҳқоннинг ҳақиқа ҳиёнат қилмасликка, давлат хазинасига нопок йўллар билан пул тушишига йўл қўйилмасди. Ҳақиқатан ҳам, давлат хазинасига ҳаром аралашар экан, ундай жойда барака бўлмаслиги, деҳқон дастурхонидан файзу бараканинг кўтарилиши аниқ. Миср давлати буну жуда яхши тушунар, шу боис ҳам дунёнинг олимлари ўртасида энг катта обрў-эътиборга эга Аҳмад Фарғонийнинг қарашлари ва илмий тадқиқотига суянган эди. Бу тўғри тадбир мамлакат иқтисодини, аҳолининг турмуш даражасини юқори поғонага кўтарганини ҳам яхши биламиз.

Тадбиркор ота-боболаримиз томонидан қишлоқ ҳўжалиги ва тижорат соҳаларида жорий этилган ангилликлар Осиё худудларидан ташқари-

га чиқиб, Буюк ипак йўлининг гуллаб-яшнашига имкон яратди.

Ҳар гал Карманага борсам, ўша ердаги қадим сардоба ёнида тўхтаб утаман. Баланг гумбаз, унинг остида тип-тинки, зилол сув мавжланиб туради. Ичкари ниҳоятда салқин. Бинонинг бичимлари-чи! Ипидан-игнасигача — сувни тўтиб туриши, унинг шўрланмаслиги, истеъмолга яроқли ҳолатда бўлиши — ҳамма-ҳаммаси математик ҳисоб-китоблар билан аниқ, пухта бажарилган. Минг йиллар давомида миллионлаб инсонлар: савдогарлар, элчилар, сайёҳлар, қарвон аҳли, шу ердан ўтган подшоҳлар шу сувдан чанқоқларини қондирганлар. Сардобани бунёд этган ҳомийларга, истеъдодли меъ-

морларга ҳамду сано айтганлар.

Яна сардобага тикилсам: ана, сувга бўлган ҳурмат ва эъзоз. Ана тежамкорлик, ана сизга, керак бўлса, жозоба ва гўзаллик — барчаси муштарак ва йўл-йўл, қадим инсоннинг битта сардобасида шунча фалсафа. Биз ундан фақат фахрлансак, гурурлансак, камлик қилади, аслида биз улардан, биринчи навбатда, ўрнак олсак, шунга монанд ишлар қилсак, пухта сўнггина фахрланишга ҳақимиз бор, деб ўйлайман. Демакки, минг йиллар давомида сув ўзбек халқи учун фақат моддий фаворлик тимсоллигига бўлиб қолмай, айни чоғда маънавий юксаклик омилли ҳам

бўлиб келди. Тарихий ва маданий қадриятлар билан бир қаторда халқимизнинг ўзига хос анъаналари, хусусан, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасидаги тажрибалари ҳам авлоддан-авлодга мерос қолдирилди. Асрлар мобайнида тўпланган тажрибалар, сувдан фойдаланиш борасидаги ўғитлар қон-қонимизга сингиб кетди.

Ўзбек адабиётининг намояндалари Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Абдулла Қодирийлар ўз ижодларида сувнинг поклик ва олижаноблик рамзи сифатида тараннум этилди. Фарҳоднинг тоғни тешиб, сув чиқаришда кўрсатган ҳақрамонликлари беҳудага халқ орасида юксак улуғланмаган.

«Кўкалдош» ўрта махсус билим юрти мударриси ибратли бир воқеани гапириб берди:

— Муҳаммад пайгамбаримизнинг: «Ким камтар бўлса, Аллоҳ унинг мартабасини баланд кўтаради», деган сўзлари жуда кўл баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Базми уламолар бундан хулоса чиқариб: «Камтарлиқни ердан ўрганиш лозим, чунки ер пастда жойлашгандир», деган фикрни олға сурдилар. Аммо Алоудин Азизий бу фикрларга эътироз билдириб, аксинча, камтарлиқни сувдан ўрганиш лозимлигини

айтди. Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Чунки сув ердан пастда туради ва шундай қудратга эгаки, илдизи орқали уларнинг бошига чиқади. Ким сувга ўшаб, қанчалик камтар бўлса, шунчалик юқори даражага эришади.

Сувдан камтарлиқни ўрганган аждодларнинг авлодлари кейинги асрларда ҳам энг яхши анъаналарни давом эттирдилар. Улар қароқ ерларга сув чиқариб, бог-бўстонлар яратдилар.

Амир Темур ва теурийлар замонага қарайдиган бўлсак, ариқ ва дарёларга, аҳоли сув ичадиган ҳавзаларга юқори даражада эътибор берилганини, хусусан, биргина Соҳибқирон ҳазрат бобомизнинг буйруқлари билан нафақат ўз юртимизда, балки Афғонистоннинг Мурғоб, Озарбайжоннинг Байлақон мавзелирида, Қорабоғда катта сув иншоотлари барпо этилганини кўраемиз. Байлақонда бунёд этилган сув иншоотининг узунлиги ҳозирги ҳисобда етмиш, эни ўн, чуқурлиги эса тўрт метр бўлган. Мурғоб водийсида эса унинг ҳар бир амири, ҳатто аёллар ҳам биттадан ариқ қазиришди, уларни ўз номлари билан атаганлар. Сув олиб борилган жойлар обод этилиб, ерли аҳолига бўлиб берилган, шу тариқа уларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиб, турмуш-

лари яхшиланган. Тарих бундан олади ва қадрлайди.

Кўҳна Осиёнинг Туронзамин аталмиш бепоён худудларида истиқомат қилган халқлар ислондан олдин ҳам сувга аҳлат тўқини, уни ифлослан тиришни гуноҳ билганларини яна бир қарра эслатиб ўтиш жоиздир. Зеро сув, яъни ариқ, дарё, қўллар покиза сақланган юрдага турмуш ҳам, ҳаёт ҳам абас бўлишини таъкидлашмасак-да, ўзингиз теран англайсиз. Ҳадисларда ҳам учта жойга — сув тармоқларига, йўлларнинг ўрталарига, соя-салқин ерларга ахлат ташламаслик қаттиқ ўқтирилади. XIX асрда: «Отанг миروب бўлса ҳам, ариқни тозалаб ич» деган пурҳикмат мақолнинг ҳурмати баланд эди.

Афсуски, ўтмишда табиатнинг қайси нозик ториға қаттиқ тегиб кетилган бўлса, бугун ўша хатоларнинг жабрини кўрмоқдамиз. Собиқ иттифоқ даврида инсон табиатнинг ҳўжайини, деган сохта социалистик мафқуравий даъво оқибатида айниқса, бизнинг минтақамизда халқимиз, она табиатимиз кўп жабр кўрди. Ҳар бир яхши-ёмон иш исиз кетмайди. Вақти-соати келиб, жавоби бўлади. Республикада тупроқ таркибининг сифат жиҳатдан бузилиши тўхтовсиз ортиб борди. 80-йиллар охирига келиб тупроқнинг емирилиши ва нурашига қарши

ярим-эрти олиб борилган ишлар ҳам бутунлай тўхтаб қўйилди, натижада, йиллар ўтиб, суғориладиган ерларнинг қариёб ярми бузилиш хавфи остида қолди. Бу эса улкан экологик муаммони юзага келтирди.

Ҳақирон иккинчи ярида суғориладиган ер майдони 2,46 млн. гектардан 4,28 млн. гектарга етказилди. Шўро матбуоти бу ҳақда айюҳаннос солди. Ҳатто, мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, ахлит майдонлар ҳам зўрма-зўракилик билан ўзлаштириб юборилди ва шу тариқа пахта майдонларининг ҳудуди 75 фоизга етказилди, ваҳоланки, дунёнинг бирор-бир мамлакатига пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаган эди. Бу ҳол ернинг кучсизланиши-ю тупроқнинг бузилиши билан бир қаторда сув физикавий хоссаларининг ёмонлашувига олиб келди. Қўлпаб нолистик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг мейвёридан ортиқ қўлланиши дарё, қўл, ер ости ва ер усти ичимлик сувларининг ифлосланишига сабаб бўлди.

Мамлакатимиз ҳудудини таҳминан учдан икки қисмини эгаллаган поёнсиз текисликларда сув манбалари, қўлларнинг кам экан-

лигини ҳам эътироф этишимиз ва буну доимо ҳисобга олиб, сувдан оқилона фойдаланишни унутмаслик лозим. Зеро, яққо ягона денгизимиз Орол бошига тушган фожиялар ҳар биримиз учун аччиқ сабабдир.

Маълумотларга қараганда, 1911-1962 йилларда Орол денгизи сатҳи 53,4 метрни ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб, 32,5 метрга тушиб кетган. Унинг минераллашуви 2 баробарга ортиди. Денгизнинг сув қочган туби 4 млн. гектардан ортиқроқ майдонда қўриниб қолган эди. 1975 йилда космос орқали кузатилганда, 90 кун давом этидиган 400 км., эни эса 40 км. майдонга етиб боргани аниқланган эди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, илгари пайтларда Орол денгизи устида ҳосил бўлган иссиқ ва нам ҳаво Россия билан Қозоғистондан ҳаво оқимларининг жануб томон ҳаракат қилишига имкон бермасди, бамисолига табиий тўсиқ бўлиб хизмат қиларди. Эндиликда бу тўсиққа пугур етган ва совуқ ҳаво оқими ҳеч бир қаршиликка учрамай Урта Осиёдаги давлатлар ҳудудига, қишлоқ ҳўжалик эканзорларига зиён-заҳмат етказмоқда, кўтилмаганда ўзи билан дўл ва жалаларни олиб келмоқда.

«Орол инқирози инсоният тарихидаги энг катта экологик ва гуманитар ҳалокатлардан биридир», деган эди Ислон Каримов. 1999 йил апрель ойида Урта Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви чоғида сўзлаган нутқида эса: «Минтақамизда етарли сув бор, лекин таниқсиз сезиляпти, лекин амалда керагидан ортиқ даражада сарфланаяпти», дея қуюнчақлик билан фикр билдирган эди. Мамлакатимизда шўдгор қилинадиган ерларнинг 98 фоизини обикор майдонлар ташкил этади, демак бизда сув ҳосилдорликнинг ягона манбаи ҳисобланади. Кейинги маълумотларга қараганда, обикор деҳқончиликка ихтисослашган ерларда 50 фоизгача сув самарасиз ишлатилади.

Сув ҳақида шунчалик кўп гапириш, шунчалик кўп қуюнишни асл сабаблари нимада?! Бу ҳақда қатор мутахассислар фикрлари билан қизиқдик. Агар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмас экан: биринчидан, ҳозирги ва келажак авлоднинг экологик муаммолари янада ортади;

иккинчидан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида сув исрофгарчилиги натижасида тупроқнинг шўрланиши даражаси кўтарилиб кетади;

учинчидан, оқар сув ва ер ости сувларининг ифлосланиши ортиб боради;

ва ниҳоят, тўртинчидан, ана шу салбий оқибатлар тўфайли аҳоли соғлиғига зарар етиши мумкинки, бундан давлат, муассаса, қорхона ва ташкилотлар жуда катта зарар кўришлари турган гап. Шунинг учун ҳам сув исрофгарчилиги билан сув таъминоти тизимидаги инсоннинг ўрни бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этилди.

Яна бир мулоҳаза: бизнинг асосий дарёларимиз — Амурдарё ва Сирдарё ҳисобланади. Ҳиндлар Ганга дарёсини илоҳий даражада муқаддас санайдилар. Ваҳоланки, бизнинг Она Амурдарё жаннатдан оқиб чиқувчи тўрт муқаддас дарёнинг бири ҳисобланади. Ҳўш, биз ёшларга, бугунги инсонларга, келажакка ибрат бўлиши учун шу дарё мавзусига боғлаб бирорта афсонавий кино ёки севиғи-мухаббат тараннуми этилган роман ё қисса ёздикми? Жаҳон адабиёти, киносида эса бу нарса юксак санъат даражасига олиб чиқилган. Бу ўринда биз Шолоховнинг «Тинч дон» ва ҳинд кино усталарининг Ганга дарёси ҳақида яратган фильмларини эслашимиз кифой.

Лекин кўнглини ҳурсанд этадиган воқеалар ҳам йўқ эмас. Қуни кеча телевидение орқали намойиш этилган лавҳани кўриб, анча суанди: Амурдарё устида бунёд этилган кўприкни ишга туширишда иштирок этган Президентимиз яхши ни-

ятларни билдирган эди. Мен Мўйноқда бўлганимда, одамларнинг: «Денгизимизга сув келмоқда», дея шодланганларига гувоҳ бўлдим. Бир пайтлар Орол ўзининг бебахор балик ва балик махсулотлари билан етти иккига доврўқ таратган эди. Бугун кўприк остидан тўлиб оқибатган дарёга назар ташлаб: «Юртга барака келишидан дарак бу!» дегимиз келди. Билмакс, тўю сурга, шодликка ўч халқимиз. Уйига, дала-сига сув келса, қувонганидан: «Сув келди — нур келди» деганини ўзи ҳам билмай қолади халқимиз.

Дарҳақиқат, сув нур манбаи, ёруғлик манбаи, файзу барака манбаи. Саноат қорхоналарига электр қуввати улашувчи манба. Сувнинг фойдаси-ю хосияти ҳақида гапириб адо этиб бўлмайди. Чунки, сув тирикчилигимиз манбаи, сув — ҳаёт дегани. Шундай экан, унинг ҳар томчисини кўзга тўтиб айланиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш нафақат фарзандлик бурчимиз, балки иймон ва қарзу фарзимиз ҳам эмасми?!

Сувни исроф қилмаслик, ифлослантмаслик, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш савобию баракаси ҳақида ҳар кимнинг ўзи йўлаб кўриши, хулоса чиқариши зарур деб ўйлайман.

Тўлқин ҲАЙИТ

## «01» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ёз фаслининг жазираси бошланмоқда. Соғломлаштириш оромгоҳларида болаларимиз мириқиб дам оладиган пайт ҳам етиб келди. Дам олиш масканлари болаларни қабул қилиш учун пухта тайёрларлик кўрдилар. Оромгоҳлар маъмурияти болаларнинг яшаш ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш билан кифояланиб қолмай,

қисмларидан узоқ масофаларда жойлашган ёғи дам олиш оромгоҳларида телефон ёки радио алоқа ҳамда ёнғин ўчириш учун мўлжалланган сув манбаларининг йўқлиги, биноларнинг ёғоч қурилиш қисмларига кимёвий сувоқлик билан ишлов берилиб, тез ёниш хусусияти пайтирилмаганлиги, биноларнинг электр тармоқлари электр усқуналарни ўрна-

## Бола, ёнғин ва хавфсизлик

хордиқ даврида кўнгилисиз ходисалар содир бўлмаслигини олдини олиши, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини ҳам кўриши айниқса муҳим.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам болаларнинг дам олиш оромгоҳлари, улар етиб боришларидан олдин, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан назоратдан ўтказилди. Бунда ҳар бир майда камчиликларга ҳам жиддий эътибор берилди. Чунки ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласида майда-чўйда деган тушунча йўқ. Кичкинагина носозлик ёки эътиборсизлик учқун чиқишига олиб келиб, катта ёнғинга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Ўтган 2002 йилги мавсум сабо бўлиши лозим. Айнан болаларнинг ёғи дам олиш оромгоҳлари текширувдан ўтказилганда, айримларида ёнғин олдини олиш борасидаги ишларда бир қатор камчиликлар мавжудлиги, раҳбарлар томонидан ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганлиги маълум бўлган эди. Айниқса, ёнғин ўчириш

тиш қондаларига хилоф равишда ўтказилганлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг етишмаслиги ёки умуман йўқлиги ёнғинлар келиб чиқишига, уларнинг қисқа вақт ичида катта майдонларга тарқалишига, ёнғин ўчиришда қийинчиликларни юзага келтириб, фожияли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлиши мумкин эди.

Бундай салбий ҳолатлар бугун ҳам айрим оромгоҳларда учраётганлиги ачинарлидир. Масалан, Балқичи туманидаги Охунбобоев номили (раҳбари Т.Ҳамидов), Хатирчи туманидаги Пўлкан шoir номили (раҳбари А.Холиқов), Яқобғоғ тумани кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли М.Ҳасанова номили (раҳбари А.Умаров), Гулистон пахта тозалаш қорхонасига қарашли «Гулистон» (раҳбари К.Холбоев), А.Икромов туманида жойлашган «Гулбахор» (раҳбари Б.Раҳимов), Наманган туманидаги «Соҳил» (раҳбари А.Ақромов) ёғи болалар дам олиш оромгоҳларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агарда бу даргоҳларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимла-

ри тезкор назорат қилиб турилмаганда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин нималарга олиб келишини тасаввур қилишимиз ўзи аянчли.

Ёнғин сабабсиз бошланмади. Кичкинагина нуқсон бўлса бас. Агар аҳамият берилмаса, лоқайд қаралса кичкина учқундан катта ёнғин содир бўлади. Жорий йилнинг 7 апрель кунини Россия Федерациясида ва 9 апрель кунини Доғистон Республикасидаги мактаб ҳамда махсус интернетда содир бўлган ёнғинлар қандай фожияга олиб келганлигини бир тасаввур қилиб кўринг.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати болаларнинг дам олиш мавсуми давомида ёнғинлар содир бўлишига йўл қўймасликни асосий мақсад қилиб олган. Бу борада режалар тузилиб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, баъзи жойларда ёнғин чиқиш хавфи бўлган бино, иншоот ва хоналар иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Носоз электр мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди. Бундан ташқари оромгоҳларнинг ёнғинга қарши қоникорсиз ҳолати тўғрисида ҳокимлик ва юқори ташкилотларга ахборотномалар киритилди. Шу билан бирга дам олиш оромгоҳларининг мутасадди раҳбарлари, ишчи-хизматчилари мавсум давомида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш борасида махсус дафтарларга қўл қўйдириш йўли билан йўриқномадан ўтказилди.

Шу ўринда барча фуқароларга яна бир бор муножабат қилиб, уларда дам олиш таътилларида ўтказилган болалар ва мактабга бўлган ёнғин болалар устидан доимий назорат қилиб, уларнинг олов билан ўйнашларига йўл қўймасликларини сураб қолардик.

Даврон ҚАМБАРОВ, ЎЗР ИИБ ЁХББ муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти

## «Саккизлик» саммити бошқача бўлади

1-3 июнь кунлари Эвиан (Франция)да бўлиб ўтадиган «саккизлик» саммити одатдан ташқари характерга эгадир, деди Россия Президентининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Андрей Илларионов. «Новости» мухбирига берган интервьюсида. Саммитнинг алоҳида жиҳати шуки, унда «саккизлик» етакчилари бошқа мамлакатлар етакчилари билан 1 июнь кунини учрашув ўтказадилар. Норасмий мулоқотда иқтисодий ривожланиш масалалари муҳокама этилади. Бу гап саммитга таклиф этилган ХХР ва Ҳиндистон етакчилари билан бўладиган учрашувларга тааллуқлидир. «Франция Президентини Жак Ширак ХХР ва Ҳиндистон етакчиларини ҳам саммитга таклиф этган. Бироқ бу улар ҳам «саккизлик» таркибига қабул қилинади, деган гап эмас» деди Илларионов.

Гап шундаки, Хитой ва Ҳиндистондан ташқари «саккизлик» саммитига Мексика, Бразилия, Саудия Арабистони, Малайзия, Марокаш, «Африка ривожланиши учун янги шериклик» (НЕПАД) таркибидagi 5 мамлакат, Швейцария етакчилари ҳамда БМТ, Жаҳон банки, Халқаро

## Янги осмонлар бино яратилади

«Граунд зеро» номини олган Манхэттеннинг қуйи қисмида бўшаб қолган жой Нью-Йорк аҳолисига 2001 йил 11 сентябрнинг мудҳиш фожиясини эсла-тиб туради.

Яқин кунларда бу ерда немис архитектори Даниел Либескинд лойиҳаси бўйича янги Бутунжаҳон савдо марказининг (БСМ) қурилиши бошланади. Ушбу Марказ биносини тиклаш бўйича тақдим этилган 500 га яқин лойиҳадан ҳайрат аъзолари айнан шунисига яқдиллик билан овоз бердилар.

Либескинд лойиҳасига қўра, бу ерда қуш пати шаклида 541 метрлик осмонлар бино қурилиши режалаштирилмоқда. Унинг атрофида бешта 70 қаватли бино қад кўтаради. Шунингдек, лойиҳадан музей ва иккита хотира мажмуи - «Қаҳрамонлар боғи» ва «Нурли чўққи» - ўрин олади. Эътиборлиси шундаки, «Нурли чўққи», ҳар йили 11 сентябрь тонгида қўёнинг нурлари тўри унга тушадиган ва қўшни иморатларнинг соясида қолиб кетмайдиган қилиб қурилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-ки-тобларига қўра, янги савдо марказининг қурилиши 10 миллиард долларни ташкил этади.

Лойиҳага қўра, бу ерда янги вокзал қурилиши билан бирга автоуловлар қатнайдиغان йўллар ҳам қайта тикланиб, Нью-Йоркнинг транспорт тизимига уланади.

Янги савдо марказини барпо этиш учун маблалар йирик тадбиркорлардан, хусусан, Бутунжаҳон савдо марказини 99 йилга ижарага олган Лэрри Силверштейннинг компанияси-дан олиниши мўлжалланмоқда. Бироқ, компаниянинг қурилишга қўшадиган ҳиссаси, ўз навбатида, унга етказилган зарар учун суғурта компаниялари тўла-ши бўлган катта миқдордаги пулга боғлиқ.

Нью-Йорк штати губернатори Жорж Патакининг режаларига қўра, БСМнинг қурилиши фожиянинг икки йиллиги арафасида бошланади ва 2008 йилда тугатилиши режалаштирилган.

Б.МАМАЖОНОВ «Жаҳон» АА, Нью-Йорк.



## Ачехдан чиқиб кетиш тавсия этилди

Индонезия ҳукумати Ачех музофотида «Озод Ачех» ҳаракати тарафдорлари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида жанглар кетаётганлиги сабабли музофотда фаолият юритаётган чет эл хайрия ташкилотлари вакилларига худуддан тезда чиқиб кетишларини тавсия этди. «Улар хавфсизлигини ўйлаб шундай қилдик», дейди Индонезия Ташқи ишлар вазири-гининг матбуот қотиби Марти Наталегева. Унинг айтишича, маҳаллий ҳокимият ва Индонезия Қизил Ҳоч жамияти аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мажбуриятини ўз бўйинларига олади. Шунинг учун хорижий хайрия ташкилотлари кўмагига ҳозирча эҳтиёж йўқ.

БМТ маълумотларига қўра, шу кунларда Ачех музофотида инсонпарварлик ёрдамлари тақсимоти билан шуғулланувчи 5 та нодавлат ташкилоти ва 4 та БМТ агентлиги фаолият юритмоқда. Музофотни тарқ этиш ҳақидаги қаҳриқ эса уларга тааллуқли эмас, бироқ бу ердаги вазият ўзгача қарор қабул қилишга ҳам ундаши мумкин, дея хабар беради Reuters агентлиги журналистлари.



## Фаолият бошлайди

Швеция Ташқи ишлар вазири-гининг қарорига қўра, яқин кунларда Бағдодда Швеция элчихонаси ўз фаолиятини бошлайди.

Саудия Арабистонининг SPA агентлиги хабар беришича, элчихона биноси харбий ҳаракатлар пайтида деярли шикастланмаган.

## Ҳарбийлар жўнатилади

Литва сейми давлат мудофаа қўмитасининг Форс кўрғазига 130 ҳарбийдан иборат тинчлик кучлари жўнатиш ҳақидаги қарорини маъқуллади. Улар Дания ва Польша контингенти таркибиде фаолият юритадилар. Бундан ташқари Литвадаги 80 дан ортиқ қурилиш фирмаларида қатнашишга тайёр, дейилади «Новости» ахборотиде.

ШЕЪР ВА ШУУР

Соғинчларда юксалган юртим!



Бир кун ташлаб кетсам, Рангин дунёни Узимга ўхшаган Ғамгин дунёни.

Ортимдан йиғласа, Бир кўёш йиғлар. Мендек севолмаган, Бағритош йиғлар.

Кўзимда ғамлардан Сурмалар бордир. Мени суроқлаган Турналар бордир.

Мен кетсам, дилимда Бир гуноҳ йиғлар Кузак осмонда Ёлғиз моҳ йиғлар...

Боболар юрти бу, Боболар қадри бил, кўзга сурт ҳокими. Болалар юрти бу, Болалар чирогин ёқажак ҳокими.

Одамлар юрти бу, Одамлар меҳрини ошириб яшайди. Узилмас экан шу қадамлар, Юрт доим ёшариб яшайди.

Яшайди тупроғим тозариб, Бағрида авайлаб зурёдин. Утқинчи ўтинчлар озариб, Эшитмай Искандар фарёдин.

Шоҳларнинг қўллари кетди бўш, Топганин топшириб ўзига. Дунёга демасдан хайр, хўш, Қулоқ сол ҳокимлар сўзига.

Боболар юрти бу, Боболар қадри бил, кўзга сурт ҳокими. Болалар юрти бу, Болалар чирогин ёқажак ҳокими...

Ўзига ўхшаган одамни кутиб Одамзот меҳрга ташна яшайди. Умрга етгулик меҳрни тутиб Утсанлар ўлмайди, яшнаб яшайди.

Меҳрни тушунар экан ўзича Бўрлар бўрича, қўйлар қўй бўлиб. Меҳрга ситишиб юриб мусича Шифтга ин қуришин кузатдим кулиб.

Оғзида хас-хашак ташиб қадирғоч, Уйимни уй қилган дўстга сўз қотди.

Кўнглимнинг томида очилган қийғоч Лолақизғалдоқларни шулар уйғотди. Ўзига ўхшаган одамни кутиб, Одамзот меҳрга ташна яшайди. Қишлардан ўтса дўст қўлини тутиб, Бир умр баҳордай яшнаб яшайди.

Узоқ кетсам, тоғу боғларим, Яёни сени орзулаб юрдим. Мен кимларга кўнглим боғладим, Мен ҳам сен деб яхшилик кўрдим.

Хазонли куз, музимда бўртиб Кўзларимда тўлишди баҳор. Соғинчим жўш урдирган юртим, Кун санаб кўз очаман наҳор.

Кулиб турган юзим экансан, Сени таниб танирлар мени. Кўпни кўрар кўзим экансан, Қорачиққа жойласам нени.

Қаердаки меҳр толдим мен, Оқибатда муруват кўрдим. Меҳру ишқим билан чопдим мен, Соғинчларда юксалган юртим.

Сен ўзимнинг онаман, бола Онасидан айри болами? Нигоҳимда қотмасин нола, Бутун қилиб берсин оламини!

Фақат сени орзулаб юрдим — Соғинчларда юксалган юртим!

Умида АБДУАЗИМОВА

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



«Озод юрт фарзандларимиз»



Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Дилора-Азиз» номи 540-болалар боғчасида ўтказилган тадбир шундай аталди. Байрам муносабати билан бу ерда тарбияланаётган кичкин-

тойлар ижро этган куй-қўшиқларида дунёдаги барча болалар тинчлик, дўстлик ва меҳрибонлик тарафдори эканлигини ифода этдилар. Турли хил бадийий сахналар ташриф буюрган меҳмонларга манзур бўлди. Дарвоқе, ушбу масканда кич-

кинтойларнинг соғлом бўлиб ўсишлари учун барча шароитлар яратилган. 14 та гуруҳда тасвирий санъат, экологик, соғлом авлод йўналишлари бўйича тажрибали тарбиячи ва мураббийлар томонидан жажжиларга таълим-тарбия берилди. Айниқса, «Ота-она — маҳалла — боғча» дастури доирасидаги сайё-харакатлар яхши самара бермоқда.

Умида МАНСУРОВА

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Хикматли сўзлар МАЪНОСИ

Ер тўймагунча эл тўймас

«Ер тўйса, эл тўяди»; «Еринг тўк — элинг тўк»; «Ери бойнинг — эли бой»; «Ерга муҳаббат — элга муҳаббат»; «Ер — хамир, Ғит — хамиртуруш» («Хамир хамиртурушсиз ошмагани каби, ер ҳам ўнгитсиз мўл ҳосил бермайди», дейилмоқчи); «Ерни боқсанг, емини бер»; «Қари ерининг қорни кенг» (қари, яъни эскидан экин экиб келинаётган ерининг «қорни» кенг бўлади, яъни кўп ўғит талаб қилади. Шунинг учун бундай ерни ўғитга роса тўйдирсангина кутган ҳосилингни ололасан», дейилмоқчи.); «Тўйдирсанг мени, Тўйдирман сени» (буни ерининг тилидан айтганлар); «Сен ерни ер қилсанг, Ер сени шер қилади»; «Ерни боқсанг — боқди, Боқмай қўйсанг — қоқди» (қоқди — кам (ҳосил) беради, қисиб-қимтиб қолади, «уриб» қолади, деган маънода. Бу сўз «Чумида қоқмоқ» иборасида ҳам худди шу маънода қўлланади); «Ўзиқли ер оқсатмас»; «Ўзиқли ер ориқламас»; «Мол семирса ёғ бўлар, Ер семирса боғ бўлар»; «Ерга ошатсанг ош битар, Ошатмасанг тош битар»; «Ерни боқмасанг — заранг, ҳосил беради аранг»; «Ер боққанин ер боқар, Ерни боқмаган — ерга боқар»; «Ерини алдаган — ўзини алдар».

Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг, мен кари

Халқ бу мақолни бахил бойларга нисбатан қаттиқ киноя тарзида қўллаган. «Бой бўлай десанг, Ҳуқининг қулини тор» деган мақол ҳам борки, халқ бунди зикна, хасис бойлар тилидан ёхуд уларга қарата киноя тарзида айтган. Мазмуни: «Бой бўлай десанг, ҳадеб овқат қилиб еяверма ва ҳадеб меҳмон қахириб, уларни зиёфат қилаверма», дейилмоқчи.

Андижон баркамол авлодни бағрига чорламоқда

5 ИЮНЬ КУНИ БУ ЕРДА «БАРКАМОЛ АВЛОД» РЕСПУБЛИКА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

910 ўқувчига мўлжалланган Олимпия заҳиралари спорт коллежи бетақрорлиги билан ажралиб туради. Бу масканда кишин-ёзин спорт ўйинлари ва машгулотлари олиб боришга шароит яратилган. Очкў ва ёпиқ сузиш ҳавзалари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Уйингоҳ қурилишида Германиядаги «Фолитан» фирмаси вакиллари иштирок этди. Улар стадионда сунъий қопламаларни тўшаш ишларини бажардилар.

«Андижонвиллоятқурилиш» акциядорлик бирлашмасига қарашли 4-қурилиш бошқармаси ва бошқа қурилиш жамоалари астойдил тер тўкидилар. Бинокорлик ишлари белгиланган муддатларда бажарилиши таъминланди. Иншоотлар лойиҳасини «Андижон-фурқаролийа» меъморлари яраттишган.

Улкан коса мисол стадионда мусобақа машаласи уч устуни қад ростлади. Уч устунининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Бири «Умид ниҳоллари», иккинчиси «Баркамол авлод», учинчиси «Универсиада» мусобақаларини англадигандек. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш ана шу уч бўғида бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда бажарилаётди.

Айни кунларда ҳар икки қосона атрофи ободонлаштири-



Азизжон ҚОДИРОВ олган сурат

либ, гулзорлар барпо этилди. Ранг-баранг безаклар қосоналарга байрамона тус берди.

— Бундай спорт қосоналари мустақиллик туфайли бунёд этилди, — дейди шахрихонлик, машҳур деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони Содижон Абдураулов гурури билан. — Мусобақалар бошланиши олдиндан бу қосоналарни бир кўрай деб келдим. Бинолар чиройи кўзимни олди. Бу ерда фарзандларимиз спорт билан шуғулланиб юртимизни дунёга танитишларига сира шубҳа қилмайман.

— Замонавий иншоотлар мураббийлару ёш спортчиларга катта совға бўлди, — дейди спорт фахрийси Ю.Қўчқоров. — Энди бор куч ва тажрибамизни ёшлар тарбиясига сарфлаймиз. Юртбошимизнинг ишончини меҳнатимиз билан оқлаймиз.

Андижон, Хонобод шаҳарлари ва Марҳамат, Шаҳрихон, Олтинкўл туманларидаги спорт иншоотлари мусобақа қатнашчиларини кутиб олишга шай.

Андижонликлар «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бошланишини ортиқиб кутмоқда. Ҳамма байрам оғушида. Санокли кўнлардан кейин бошланажак ёшлик ва гўзаллик беллашувларида Мухаммадқодирлар, Артурлар, Русланлар, Темурлар, Мухаббатлар, Лайлолар, Шоирлар сингари умидли спортчилар кашф этилса, ажабмас.

Аҳмадйоло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири Суратда: Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари.

«Мулоқот»га обуна давом этмоқда

Ошқора, самимий мулоқотта иштиқингиз бўлса, ўзингизга ҳамдард, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз «МУЛОҚОТ» журнаliga обуна бўлинг!



Агар суюкли Ватанимизнинг, буюк миллатимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда миллатнинг таъяни бўлган улуг тарихий шахслар ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, юрт равнақига хизмат қилишга бел боғлаган «МУЛОҚОТ» журнаliga ёзилинг!

2003 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда. Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдирадиган, халқимиз тарихи,

унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришга, маънавият ва маърифат равнақига катта ҳисса қўшадиган «МУЛОҚОТ» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонимиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тўшади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият.

Индексимиз (Нашр кўрсаткичи): — 844.

Информация О существенных фактах по ОАО «Lochiga» Порядковый номер 10

В соответствии с постановлением внеочередного общего собрания акционеров ОАО «Lochiga» от 15 мая 2003 года переизбран состав Наблюдательного Совета.

Прекращены полномочия членов Наблюдательного Совета: Рустамова Ш.М., Акбарова Н.И., Файзиматова О. В состав Наблюдательного Совета избраны: Лутфуллаев У.У., Азизов Х.Х., Сулейманов Р.Т., Турсунов А.А.

В соответствии с постановлением Наблюдательного совета ОАО «Lochiga» от 19 мая 2003 года председателем Наблюдательного совета избран Азизов Х.Х.

СПИСОК Аффилированных лиц ОАО «Lochiga» Члены Наблюдательного Совета: Азизов Х.Х. — Председатель Наблюдательного Совета, является аффилированным лицом

с 15.05.2003 г., владеет 10 или 0,1% от УФ голосующими акциями. Умаров С.У. — является доверительным управляющим Гос.доли, владеет 1883 или 25 процентов от УФ голосующими акциями.

Лутфуллаев У.М. — является аффилированным лицом с 26.03.01 г., владеет 67, или 0,8 % от УФ, голосующими акциями.

Сулейманов Р.Т. — является аффилированным лицом с 16.12.02 г., владеет 2335 акциями, или 31,0% от УФ голосующими акциями.

Турсунов А.А. — является аффилированным лицом с 16.12.02 г., владеет 1899, или 25,2% от УФ голосующими акциями.

Члены Исполнительного органа: Туляганов К.А. — Председатель Правления, является аффилированным лицом с 26.03.2001 г., владеет 78, или 1,0% от УФ голосующими акциями

Ермолаева Л.И. — главный бухгалтер, член Правления, является аффилированным лицом с 26.03.2001 г., владеет 8, или 0,1% от УФ акциями

Узбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси Қўнрай туман ҳокими С.Ш.Тошқўжаевга волидаи мухтарамаси САЛИМАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Table with names and contact information for various individuals and organizations, including Bosh Muharrir Safar OSTONOV, Tahrir Hay'ati, and MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI.

Table with names and phone numbers for various individuals and organizations, including Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda.

Table with information about the newspaper 'O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Chirasi', including contact details and subscription information.